ЖИГАР ЕТИШМОВЧИЛИГИДА ЭНДОГЕН ИНТОКСИКАЦИЯ ВА УНИ ГЕМОСОРБЦИЯ ОРҚАЛИ КОРРЕКЦИЯ ҚИЛИШ САМАРАДОРЛИГИ (ЭКСПЕРИМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТ)

Жабборов Э.Н.,
Ярматов С.С,

Долзарблиги: *Жигар организмда асосий детоксикация қилувчи аъзо ҳисобланади. Унинг функцияси бузилганда токсик метаболитлар организмдан чиқарилмай, эндоген интоксикация ривожланади. Бу ҳолат айниқса аммиак ва билирубиннинг қонда тўпланиши орқали марказий асаб тизимига салбий таъсир кўрсатиб, жигар энцефалопатиясига олиб келади. Шу боис, эндоген интоксикацияни камайтиришда гемосорбция усулининг экспериментал асосларини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.*

Калит сузлар: *эндоген интоксикация, гемосорбция, жигар етишмовчилиги, детоксикация, эксперимент.*

Мақсад: Экспериментал жигар етишмовчилиги моделларида куёнларда эндоген интоксикацияни камайтиришда гемосорбция самарадорлигини баҳолаш.

Материал ва усуллар: Тадқиқот лаборатория куёнларида ўтказилди. Жигар етишмовчилиги углерод тетрахлорид (CCl_4) 50% ли ёгли эритмаси ёрдамида моделлаштирилди. CCl_4 0,5–1,0 мл/кг дозада, 1:1 нисбатда ўсимлик мойи билан аралаштирилиб, корин ичига юборилди. Гемосорбция интоксикация чақирилганидан 36 соат ўтгач бошланди. Гемосорбция давомийлиги: 30–40 дақиқа. Қон оқим тезлиги: 5-10–12 мл/дақиқа (куён вазнига мослаштирилади)

Жониворлар 2 гуруҳга ажратилди:

асосий гуруҳ — стандарт терапия + гемосорбция

назорат гуруҳ — фақат стандарт терапия

Қонда билирубин, аммиак, АЛТ, АСТ кўрсаткичлари ва интоксикация даражаси эксперимент давомида динамик баҳоланди.

Қон таҳлиллари қуйидаги вақтларда олинади:

Соглом холатида (бошланғич)

48 соат ичида (уткир токсик гепатит модели чакирилгандан кейин)

1 соат утиб гемосорбциядан кейин

24 соат утиб гемосорбциядан кейин

5. Баҳоланадиган кўрсаткичлар

Биокимёвий:
Умумий билирубин, АЛТ, АСТ, Щелочная фосфатаза, Умумий оксил, Албумин, мочевина, креатинин,
Клиник:
фаоллик
иштаҳа
неврологик ҳолат
Интоксикация даражаси (умумий индекс)

Натижалар: Гемосорбция қўлланилган гуруҳда токсик метаболитлар даражасининг ишончли пасайиши аниқланди. Мочевина, креатинин, АЛТ, АСТ ва умумий билирубин миқдорининг камайиши интоксикация синдромининг пасайишига олиб келди. Шунингдек, жониворларда умумий ҳолат яхшиланиши ва неврологик бузилишларнинг камайиши кузатилди. Назорат гуруҳида эса бу кўрсаткичлар секин нормаллашди, айримларида юқори даражада сақланиб қолди.

Муҳокама: Гемосорбция қон таркибидаги токсинларни адсорбция қилиш орқали уларни самарали чиқаришга имкон беради. Экспериментал натижалар ушбу усулнинг жигар етишмовчилигида детоксикация функциясини қисман тиклашда муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатди.

Хулоса: Экспериментал куёнларда жигар етишмовчилигида ривожланган эндоген интоксикацияни камайтиришда гемосорбция юқори самарадорлик кўрсатди. Ушбу усулни клиник амалиётда қўллаш истиқболли йўналиш ҳисобланади.